

103/122 - عَنْ أُبَيِّ بْنِ كَعْبٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَامَ مُوسَى الْبَرِّيُّ حَطِيبًا فِي بَنَى إِسْرَائِيلَ فَسُئِلَ: أَيُّ النَّاسُ أَعْلَمُ؟ فَقَالَ: أَنَا أَعْلَمُ، فَعَتَبَ اللَّهُ عَلَيْهِ، إِذْ لَمْ يُرِدَ الْعِلْمَ إِلَى اللَّهِ، فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِ: أَنَّ عَبْدًا مِنْ عِبَادِي بِمَجْمَعِ الْبَحْرَيْنِ هُوَ أَعْلَمُ مِنْكَ. قَالَ: يَا رَبِّ، كَيْفَ بِهِ؟ فَقِيلَ لَهُ: احْمِلْ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ، فَإِذَا فَقَدْتَهُ فَهُوَ ثَمَّ، فَانْطَلَقَ وَانْطَلَقَ بِفَتَاهُ يُوشَعَ بْنُ نُونٍ، وَحَمَلَ حُوتًا فِي مِكْتَلٍ، حَتَّى كَانَ أَعْلَمَ الصَّحْرَى وَضَعَاهُ رُءُوسَهُمَا وَنَامَا، فَانْسَلَّ الْحُوتُ مِنَ الْمِكْتَلِ فَاتَّخَذَ سَيِّلَةً فِي الْبَحْرِ سَرَبًا، وَكَانَ لِمُوسَى وَفَتَاهُ عَجَبًا، فَانْطَلَقَا بِقِيَةً لَيَلْتَهُمَا وَيَوْمَهُمَا، فَلَمَّا أَصْبَحَ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ: آتَنَا غَدَاءَنَا، لَقَدْ لَقِينَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصِبًا. وَلَمْ يَجِدْ مُوسَى مَسَّا مِنَ النَّصِبِ حَتَّى جَاءَرَ الْمَكَانَ الَّذِي أُمِرَ بِهِ، فَقَالَ لَهُ فَتَاهُ: أَرَأَيْتَ إِذْ أَوْيَنَا إِلَى الصَّحْرَةِ؟ فَإِبْرَيْ تَسِيَّثُ الْحُوتَ، قَالَ مُوسَى: ذَلِكَ مَا كُنَّا تَبْغِي، فَارْتَدَّا عَلَى آثَارِهِمَا قَصَصًا، فَلَمَّا اتَّهَيَا إِلَى الصَّحْرَةِ، إِذَا رَجُلٌ مُسَجَّجٌ بِتَوْبٍ، أَوْ قَالَ تَسَجَّجَ بِتَوْبِهِ، فَسَلَّمَ مُوسَى، فَقَالَ الْحَضْرُ: وَأَنِّي بِأَرْضِكَ السَّلَامُ؟ فَقَالَ: أَنَا مُوسَى، فَقَالَ: مُوسَى بْنِ إِسْرَائِيلَ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: هَلْ أَتَبِعُكَ عَلَى أَنْ تَعْلِمَنِي مِمَّا عُلِّمْتَ رَشِدًا؟ قَالَ: إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِي صَبَرًا، يَا مُوسَى، إِنِّي عَلَى عِلْمٍ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ عَلَمْنِيهِ لَا تَعْلَمُهُ أَنْتَ، وَأَنْتَ عَلَى عِلْمٍ عَلَمْكَهُ لَا أَعْلَمُهُ. قَالَ: سَتَحْدِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا. فَانْطَلَقَا يَمْشِيَانِ عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ، لَيْسَ هُمَا سَفِينَةٌ، فَمَرَرْتُ بِهِمَا سَفِينَةً، فَكَلَمُوهُمْ أَنْ يَحْمِلُوهُمَا، فَعُرِفَ الْحَضْرُ، فَحَمَلُوهُمَا بِعَيْرٍ تَوْلِ، فَجَاءَ عُصْفُورٌ، فَوَقَعَ عَلَى حَرْفِ السَّفِينَةِ، فَكَفَرَ نَفْرَةً أَوْ نَفْرَتَيْنِ فِي الْبَحْرِ، فَقَالَ الْحَضْرُ: يَا مُوسَى مَا تَفَصَّ عِلْمِي وَعِلْمُكَ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ إِلَّا كَنْفَرَةً هَذَا الْعُصْفُورِ فِي الْبَحْرِ، فَعَمَدَ الْحَضْرُ إِلَى لَوْحٍ مِنْ أَلْوَاحِ السَّفِينَةِ فَتَرَعَهُ، فَقَالَ مُوسَى: قَوْمٌ حَمَلُونَا بِعَيْرٍ تَوْلِ، عَمَدْتَ إِلَى سَفِينَتِهِمْ فَحَرَقْتَهَا لِتُعْرِقَ أَهْلَهَا؟ قَالَ: أَمَّ أَقْلَنِ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِي صَبَرًا؟ قَالَ: لَا تَوَاحِدْنِي بِمَا تَسِيَّثُ وَلَا تُرْهِقْنِي مِنْ أَمْرِي عُسْرًا

- فَكَانَتِ الْأُولَى مِنْ مُوسَى نِسِيَانًا - فَانطَّلَقَا. فَإِذَا عُلَامٌ يَلْعَبُ مَعَ الْغِلْمَانِ، فَأَخْدَى الْخَضِرُ بِرَأْسِهِ مِنْ أَعْلَاهُ فَاقْتَلَعَ رَأْسَهُ بِيَدِهِ، فَقَالَ مُوسَى: أَقْتَلْتَ نَفْسًا كَيْهَ بِغَيْرِ نَفْسٍ؟ قَالَ: أَمْ أَقْلَنَ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِعَ مَعِي صَبَرًا - قَالَ ابْنُ عُيَيْنَةَ: وَهَذَا أَكْدُ - فَانطَّلَقَا، حَتَّى إِذَا أَتَيَا أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعُمَا أَهْلَهَا، فَأَبْوَا أَنْ يُضَيْقُوهُمَا، فَوَجَدَا فِيهَا جَدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقُضَ، قَالَ الْخَضِرُ بِيَدِهِ فَأَقَامَهُ، فَقَالَ مُوسَى: لَوْ شِئْتَ لَا تَخْدُتَ عَلَيْهِ أَجْرًا، قَالَ: هَذَا فِرَاقُ بَيْنِي وَبَيْنِكَ». قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بِرَحْمَةِ اللَّهِ مُوسَى، لَوْدِدْنَا لَوْ صَبَرَ حَتَّى يُقْصَى عَلَيْنَا مِنْ أَمْرِهِمَا».

Убай ибн Каъбдан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам бундай дебдилар:

«Мусо Бану Исроилга хутба қилиб турганида: «Одамларнинг қай бири энг олим?» деб сўралди. «Мен энг олимман», деди. Аллоҳ у кишини итоб қилди, чунки у илмни У Зотга ҳавола қилмаган эди. Аллоҳ: «Икки денгиз қўшилган жойдаги бир бандам сендан олимроқдир», дея ваҳий қилди. «Эй Роббим! У билан қандай (учрашаман)?» деди. Шунда унга: «Саватда бир балиқ ол. Қачон уни йўқотсанг, у (бандам) ўша ердадир», дейилди.

У киши йўлга тушди ва хизматкор йигити Юшаъ ибн Нунни етаклаб олди. Улар саватга балиқ солиб олишди. Харсангтош ёнига етиб боришгач, бошларини қўйиб, ухлашди. Балиқ эса саватдан тушиб, денгизни тешиб, йўл олди. Бу Мусо ва унинг хизматкори учун гаройиб иш бўлди. Кейин улар тун ва куннинг қолган қисмида йўл юришди. Тонг отгач, Мусо хизматкор йигитига: «Нонуштамизни келтир. Дарҳақиқат, бу сафаримизда чарчоққа учрадик», деди. Мусо буюрилган жойдан ўтгунига қадар бошқа ҳеч қандай чарчоқ сезмади. Хизматкор йигити унга: «Буни қаранг, харсангтошга жойлашганимизда балиқни эсдан чиқарибман», деди. Мусо деди: «Ана шу биз истаган нарса эди». Икковлон изларига қайтишди. Улар харсангтошга етиб боргач, у ерда бир кийимга ўранган [ёки кийимиға ўраниб олган] бир кишини кўришди. Мусо салом берди. Хизр: «Бу ерингда салом қаёқдан (ҳам бўлсин)?» деди. «Мен Мусоман», деди. «Бану Исроилнинг Мусосими?» деди. «Ҳа. Ўзингга ўргатилган илмдан менга ҳам ўргатмоғинг учун сенга эргашсам майлими?» деди. «Мен билан бирга бўлишга сабр қила олмайсан. Эй Мусо, мен Аллоҳнинг илмидан У Зот менга билдириган, сен эса билмайдиган бир илмга эгаман. Сен ҳам У Зот сенга билдириган, мен

**эса билмайдиган бир илмга эгасан», деди. «Иншааллоҳ, сабрли эканимни кўрасан ва сенга ҳеч бир ишда итоатсиз бўлмайман», деди (Мусо).**

**Сўнг икковлон денгиз соҳили бўйлаб йўлга тушишди. Уларнинг кемаси йўқ эди. Тўсатдан ёнларидан бир кема ўтиб қолди. Кемадагилардан олиб кетишларини сўрашди. Хизрни таниб қолиб, икковларини йўлкирасиз олиб кетишди. Кейин бир чумчуқ келиб, кема четига қўнди-да, денгиздан бир-икки чўқилади. Шунда Хизр: «Эй Мусо! Мендаги ва сендаги илм Аллоҳнинг илми олдида мана шу чумчуқнинг денгиздан чўқиганича ҳам келмайди», деди. Сўнг Хизр кема тахталаридан бирини атайлаб суғуриб олди. Шунда Мусо: «(Булар) бизни ҳеч қандай йўлкирасиз кемага олган одамлар эди, сен эса буни (кемани) унинг аҳлини чўқтириш учун атайлаб тешдинг», деди.**

**«Албатта, сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан, демабмидим?!» деди. «Эсимдан чиққан нарса учун мени айбга буюрма», деди (Мусо). Мусо тарафидан (сабрсизликнинг) **биринчиси** унутишдан бўлди.**

**Кейин икковлон йўлга тушишди. Баногоҳ болалар билан ўйнаб юрган бир болакайга дуч келишди. Хизр (боланинг) бошини чанглаб, қўли билан унинг калласини узиб ташлади. Шунда Мусо: «Бирор жонни ўлдирмаган бегуноҳ жонни ўлдирасанми?!» деди. «Сенга: «Албатта сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан, демабмидим?!» деди - Ибн Уайна: «Буниси таъкидлироқ», деган. - Кейин икковлон йўлга тушишди. Ниҳоят, бир шаҳарга келиб, унинг аҳлидан таом сўрашди. (Шаҳар ахли) уларни меҳмон қилишдан бош тортди. Иккови у ерда йиқилиб кетай деб турган бир деворни кўриб қолиб, (Хизр) уни тиклади. Хизр қўли билан ишора қилиб, уни тиклаб қўйди. Шунда Мусо унга: «Агар хоҳлассанг, бунинг учун ҳақ олсанг бўлар эди», деди. «Бу мен билан сенинг ўртамиздаги ажрашишдир», деди у».**

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «**Аллоҳ Мусони раҳмат қилсин. Қанийди, у киши сабр қилган бўлса-ю, бизга икковларининг ишларидан қисса қилиб берилаверса**», дедилар».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



